

**ХУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ (СОХТАЛАШТИРИШ)  
ЖИНОЯТЧИЛИГИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ КРИМИНОЛОГИК-  
КРИМИНАЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**О.Т.Аброров**

*Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси Биринчи ва иккинчи бўлим бошлиғи*

**Аннотация.** *Мазкур мақолада ҳужжатларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти, улар билан боғлиқ жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда ҳужжатларни сохталаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий ва криминалистик жиҳатлар таҳлил қилинган. Шунингдек, расмий ҳужжат тушунчасининг мазмуни, электрон ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақоми ва хорижий давлатлар тажрибаси кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.*

**Калит сўзлар:** *ҳужжат, расмий ҳужжат, сохталаштириш, қалбакилаштириш, жинойий жавобгарлик, электрон ҳужжат, электрон рақамли имзо, криминалистика, далил, бошқарув муносабатлари.*

**Аннотация.** *В данной статье рассматривается значение документов в государственной и общественной жизни, а также общественная опасность преступлений, связанных с их подделкой. Проанализированы уголовно-правовые и криминалистические аспекты фальсификации документов, раскрыто понятие официального документа, правовой статус электронных документов и зарубежный опыт. Автор также предлагает меры по совершенствованию законодательства.*

**Ключевые слова:** *документ, официальный документ, подделка, фальсификация, уголовная ответственность, электронный документ, электронная цифровая подпись, криминалистика, доказательства, управленческие отношения.*

**Annotation:** *This article examines the importance of documents in public and state life, as well as the social danger of crimes related to document forgery. It analyzes the criminal law and forensic aspects of document falsification, clarifies the concept of official documents, and explores the legal status of electronic documents and international experience. The author also proposes recommendations for improving legislation.*

**Keywords:** *document, official document, forgery, falsification, criminal liability, electronic document, digital signature, криминалистика, evidence, administrative relations.*

Ҳозирги даврда ҳужжатлар давлат, жамиятнинг ижтимоий – сиёсий ҳаётида, хўжалик ва маданий ҳаётида катта аҳамият касб этмоқда. Ҳужжатлар бошқарув муносабатларининг ва бошқарув идораларининг нормал фаолият олиб боришининг зарурий элементи бўлиб қолмоқда. Ҳар қандай ахборотларни олиш, улар билан

ишлаш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва ҳар қандай ахборотни бериш умумий қоидага кўра ҳужжатлар шаклида, улар орқали амалга оширилади. Шунга кўра жиноятчилик эътибори ҳам айнан ҳужжатларга қаратилаётгани бежиз эмаски, бу ўз навбатида ушбу соҳадаги жиноятларнинг криминологик ва криминалистик жиҳатларини ўрганишни тақозо этади.

Р.Алимова таъкидлаганидек, “Криминалистик маънодаги ҳужжатлар жиноят иши бўйича маълум бир ҳодисалар ҳақида маълумот беради. Баъзи ҳужжатларни жинойи мақсадда ишлатиб, ундан курул сифатида фойдаланадилар. Фирибгарлик жинояти бўйича қалбаки ҳужжат ёрдамида маблағ ундириш, сохта ҳисоб рақами ва векселлар билан банкадан пул олиш ва шу каби ҳужжатлар иш юзасидан ашёвий далил ҳисобланади”.

Ҳужжатларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) билан боғлиқ жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, уларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қалбакилаштириш, сотиш бундай ҳужжатлардан фойдаланиш давлат бошқарув тизимининг нормал фаолият олиб боришига путур етказди. Сохта ҳужжатларни муомалага киритиш ҳақиқий объектив ҳақиқатни бузиб кўрсатишга сабаб бўлганлиги туфайли ҳақиқий аҳволни тўғри билмаслик нотўғри қарорлар қабул қилинишига, кўп ёки жуда кўп миқдордаги мулкнинг талон-тарож қилинишига сабаб бўлиб қолади. Ана шундай ҳужжатлардан фойдаланиб жуда оғир жиноятлар содир қилиниши мумкин.

Қалбаки ёки сохта ҳужжатлар билан ғайриқонуний муомала қилганлик учун Жиноят кодексининг бир қанча моддаларида жинойи жавобгарлик белгиланган. Хусусан, ҳужжатлар билан нормал муомала қилишни таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Жиноят қонунида (228-модда) ҳужжатларни, штамп, муҳр ва бланкаларни ғайриқонуний тайёрлаганлик, қалбакилаштирганлик, қалбаки ҳужжатларни сотганлик ёки улардан фойдаланганлик учун жинойи жавобгарлик белгиланган.

Сохта ёки қалбакилаштирилган ҳужжатдан жиноят содир қилиш воситаси сифатида фойдаланилганда, жиноят қонуни билан кўриқланадиган турли объектларга тажовуз қилинади.

Ҳужжатлар фақат улар билан ишлаш ҳуқуқи берилган, яъни улар билан ишлаш ваколати берилган шахслар томонидан ишлатилиб, улар аҳоли ўртасида эркин муомалада бўлмаган нарсалардир. Демакки, ҳужжатлар билан фақат алоҳида унга ваколатли шахсларгина муомалада бўла оладилар. Улар фақат юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи деҳқон хўжалиги соҳасида ишловчи бунга, ваколатли бўлган раҳбар тасарруфига фақат қонунда белгиланган тартибда берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳрлар, ҳужжатлар, бланкаларни тайёрлаш, фойдаланиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби ҳамда муҳрлар, штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби

тўғрисидаги Низомнинг қабул қилинганлик, уларни эркин фуқаролик муомаласидан чиқарилган нарсалар, деб эътироф этишга асос бўлади.

Расмий ҳужжатлар эркин фуқаролик муомаласидан чиқарилган нарсалар ҳисобланиб, бундай фикрга келишимизга куйидагилар асос бўлди: қандай ҳужжатларни расмий ҳужжат деб ҳисоблаш ҳуқуқига фақат давлат эга; бундай ҳужжатларнинг шакли, реквизитлар махсус қонун ёки қонун ости актларида белгиланади; уларни тузиш, уларга ўзгартиришлар киритиш ва уларни йўқ қилиш ваколатларини давлат маълум субъектларга берган; ҳар бир ҳужжат фақат улар ишлатиши мумкин бўлган ва белгиланган мақсаддагина ваколатли шахслар томонидан ишлатилади. Шундай экан, назаримизда ҳужжатлар эркин фуқаролик муомаласидан чиқарилган предметлар туркумига киритилиши керак.

Қонун чиқарувчи орган ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар ва бланкалар билан ғайриқонуний муомала қилганлик учун жиноят-ҳуқуқий жавобгарлик масаласини аниқ белгилаб қўйган. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни ғайриқонуний эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддаси) учун ҳамда, уларни сохта тайёрлаш, қалбакилаштириш, бундай ҳужжатларни сотиш, ана шундай ҳужжатлардан фойдаланиш (Жиноят кодекси 228-моддаси) учунгина жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари жамият ривожлана борган сари компютер техникаси, кўпайтириш ва нусха кўчиришнинг замонавий техника воситалари мукамаллашиб бормоқда. Амалиётда ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар ва бланкалар билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят қонунида назарда тутилмаган янги турлари вужудга келганлиги аниқланмоқда.

Ўзбекистонда олдин мавжуд бўлмаган ҳужжатларга тегишли қонунлар қабул қилинмоқда. Булар жумласига: 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири, 2003 йил 11 декабрдаги “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун; 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунларни киритиш мумкин.

Электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам, электрон ҳужжат қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва улар расмий ҳужжат ҳисобланади. Муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган электрон рақамли имзони ёки электрон ҳужжатни сохталаштириш ёки қалбакилаштириш ҳам худди қоғоз ҳужжатлар қалбакилаштиришдек қилмишни содир этган шахслар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жавобгар қилинади. Агарда қалбакилаштириш мансабдор шахс томонидан содир этилаётган бўлса, мансабдорлик жинояти, учун жавобгарлик белгиланган Жиноят кодексининг 209-моддасига кўра ва хусусий шахслар томонидан содир этилган бўлса, Жиноят кодекси 228-моддаси бўйича жавобгар қилинади.

Расмий ҳужжатни сохталаштириш, қалбакилаштириш, бундай ҳужжатларни сотиш ёки шундай ҳужжатлардан фойдаланиш деганда, давлат ёки жамоат

ташкilotи томонидан ўз функциясини амалга ошириш жараёнида бериладиган ҳақиқий ҳужжатни реквизитларини ёки ундаги маълумотларни ўзгартириш орқали қалбакилаштириш ёки ана шундай ҳужжатнинг ўзига ўхшатиб сохта тайёрлаш тушунилади.

Бугунги кунда “расмий ҳужжатлар” тушунчасига жиноят ҳукукида аниқ таъриф берилмаган. Айрим муаллифлар “расмий ҳужжат” деганда, давлат ва жамоат ташкilotлари томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида тузиладиган ва бериладиган ҳужжат тушунилади деб ёзадилар.

Г.Ф.Поленов расмий ҳужжатлар тушунчасини анча кенг талкин қилади, суд ҳукмлари, ижро ҳужжатларини ҳам расмий ҳужжатлар гуруҳига киритади. Бирок, бизнингча ушбу ҳужжатларни процессуал ҳужжатлар сирасига киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Процессуал ҳужжатлар бошқа шахсларга муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод бўлиш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган ҳужжатлар бўлмай, муайян ишнинг якуни юзасидан қабул қилинган қарор бўлиб, унинг расмий ҳужжат сифатидаги реквизитлари бўлмайди. Уларни сохталаштириш ёки қалбакилаштириш ЖКнинг 228-моддасида назарда тутилган жиноятни ташкил қилмайди.

Ўзбекистонда “Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида”ги Қонун ҳозиргача қабул қилинмаган. Ҳозирги кунда инсон ҳаёти ва фаолиятида ҳужжат жуда зарур бўлиб турган бир шароитда шундай қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай Қонунни қабул қилиниши қилмишни ЎЗР ЖКнинг 209 ёки 228-моддаси билан ёхуд бошқа нормалар билан квалификация қилишда хатога йўл қўйишларни олди олинади. Хусусан, “Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида”ги қонун Россия Федерациясида 1994 йил 29 декабрда қабул қилинган эди. Ана шундай Қонуннинг Ўзбекистонда ҳам қабул қилиниши ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ҳужжатларни қатъий белгиланган шаклда ишлаб чиқиш имконини берган бўлар эди.

Моддий жисмда қайд этилган фактларда ифодаланган ҳақиқий ахборотнинг мавжудлигини идентификация қилиш имконини берувчи маълум шаклда ифодаланган белгилари билан бир қаторда ҳар бир турдаги ҳужжат ўзига хос хусусиятга ҳам эгадир. Энг муҳим юридик факт мазмунининг қайд этилганлиги расмий ҳужжатларнинг асосий белгисидир. Айрим муаллифлар, жумладан В.С.Постниковнинг ҳеч қандай юридик фактларни тасдиқламайдиган ва ҳеч қандай оқибатларни келтириб чиқармайдиган ҳужжатлар билан ғайриқонуний ҳаракатлар қилиш ҳам жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради деган фикрига биз қўшилмаймиз. Муаллиф бундай ҳужжатлар жумласига хабарномалар ва шу кабиларни киритади. Бизнинг фикримизча, агар ҳужжатда ҳеч қандай юридик оқибатларга олиб келмайдиган факт қайд этилган бўлса, у бошқарув муносабатлари доирасидан четга чиқади, яъни бошқарув тартибига қарши қаратилган жиноятларнинг “предмети” бўла олмайди. Демак, ҳужжатда юридик факт қайд қилинмаган бўлса, уни расмий юридик ҳужжат деб бўлмайди.

1961 йилги Гаага Конференцияси битимига мувофиқ қуйидагилар ҳам расмий ҳужжат бўлиши мумкин:

1) давлат, маҳаллий ёки диний ташкилотларнинг вакиллари, расмий таржимонлар, шаҳодатномалар, врачлар томонидан берилган маълумот-номалар, савдо реестрларидан кўчирмалар;

2) фирмаларнинг уставлари, расмий шаҳодатномалар (нотариус томонидан тасдиқланган шахсий ҳужжатлар).

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, ГФР Жиноят кодексига ҳужжатларни қалбакилаштириш учун бутун бир бўлимда (267-282-моддаларида) жавобгарлик белгиланган. Унда ҳужжатларни қалбакилаштириш (267-модда); техника ёзувларини қалбакилаштириш (268-модда); исботлаш аҳамиятига эга бўлган маълумотларни қалбакилаштириш (269-модда); қайта ишланган маълумотлар натижаларини ҳуқуқий амалда қўллаш фаолиятида алдаш (270-модда); ҳужжатларни билвосита қалбакилаштириш (271-модда); хизмат гувоҳномасини ўзгартириш (273-модда); чегарани белгиловчи ҳужжатларни яшириш, чегара белгиларини ўзгартириш (274-модда); хизмат гувоҳнома-ларини тайёрлашга тайёргарлик кўриш (275-модда); сохта хизмат гувоҳномасини олиш (276-модда); яшаш ҳуқуқини берувчи, автотранспорт воситалари билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни қалбакилаштириш (276-а-модда); соғлиғи тўғрисидаги ҳужжатни қалбакилаштириш (277-модда); соғлиғининг аҳволи тўғрисида нотўғри гувоҳнома бериш (278-модда); соғлиғи тўғрисида нотўғри гувоҳномадан фойдаланиш (279-модда); киши шахсини гувоҳлантирувчи ҳужжатлар билан суистеъмол қилиш (281-модда).

Ана шу ёзилганлардан кўриниб турибдики, ГФР Жиноят кодексига ҳужжатлар билан ғайриқонуний муомала қилишнинг предмети ва объектив белгиларининг хусусиятига кўра жавобгарлик белгиланган. Жиноят қонуни нормаларини ишлаб чиқишда ҳар бир мамлакатда шаклланган қонунчилик техникаси тажрибасига асосланилади.

Ҳужжатлар билан ғайриқонуний муомала қилиш учун Япония Жиноят кодексининг еттита моддасида (154-161-моддаларида) жавобгарлик белгиланган. Швеция Жиноят кодексига эса шундай жиноятлар учун бутун бир бобда, яъни 14-бобда жавобгарлик белгиланган (1-11-моддалар). Япония Жиноят кодекси 17-бобида ҳужжатларни сохталаштирганлик учун, 18-бобида қимматли қоғозларни қалбакилаштириш, 19-бобида муҳрларни қалбакилаш-тирганлик учун жавобгарликни назарда тутилади. Япония Жиноят кодекси 164-моддасида император муҳри ёки давлат муҳрини ёки император имзосини қалбакилаштирганлик учун, 165-моддасида расмий муассасанинг муҳри ёки расмий муассаса мансабдор шахсининг имзосини қалбакилаш-тириш учун, 166-моддасида расмий муассасанинг белгисини сохталаштириш ёки шундай белгидан ғайриқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик назарда тутилади. 167-моддасида хусусий шахсларнинг муҳр ёки имзосини сохталаштирганлик ёки ғайриқонуний равишда улардан фойдаланганликни

назарда тутса, 168-моддасида ана шу юқорида айтилган моддаларида назарда тутилган жиноятга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Кўпчилик мамлакатларнинг Жиноят кодексларида қалбаки пул, қимматли қоғозлар яшаш ва уларни ўтказиш Жиноят кодексининг ҳужжатларни қалбакилаштириш бобида берилган. Масалан, Япония Жиноят кодексининг 18 бобида (162-163-моддалар); Россия Федератсияси Жиноят кодексининг иқтисодий фаолиятига қарши жиноятлар бобида (186-модда) шу бобнинг 187-моддасида сохта кредит ёки ҳисоб-китоб, карта ва бошқа тўлов ҳужжатларини тайёрлаш ёки сотиш учун жавобгарлик назарда тутилади.

“Ғайриқонуний равишда пул белгиларини яшашга қарши кураш тўғрисида”ги 1928 йили Женева Конвенсияси қабул қилинганлиги ва барча давлатларда қалбаки пул яшашга қарши кураш олиб борилиши, ҳамда оғир жазо чоралари белгиланганлигига қарамай ҳамон турли давлатларнинг пул белгиларини сохта ишлаб чиқариш кенг қулоч ёзмокда.

Шундай қилиб, маълум шароитларда ҳатто ҳужжатнинг нусхасидан кўчирилган нусха расмий ҳужжат бўлиши мумкин, башарти аввалги нусханинг тўғрилиги нотариал тартибда шаҳодатланган бўлса ёки ҳужжатнинг нусхаси унинг асл нусхаси тайёрланган корхона, муассаса, ташкилот томонидан берилган бўлса.

Бинобарин, ваколатли хусусий шахс томонидан берилган ҳужжатни юридик шахслар томонидан берилган ҳужжат билан бир хил кучга эга деб эътироф этадиган бўлсак, бундай ҳужжатларнинг нусхалари ҳам ҳужжатлар билан содир этиладиган ғайриқонуний ҳаракатларнинг предмети бўлиши мумкин. Бундай ҳужжатларнинг нусхаларини қалбакилаштириш ҳужжатларни қалбакилаштиришга тенг деб топилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Нусхаларни сотиш ва улардан фойдаланиш ҳам асл нусхалар билан бир хилда жазога тортилиши лозим.

Аммо, асл нусхалари тақдим этилган тақдирдагина юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларнинг нусхалари қалбакилаштирилган бўлса, сохтакорлик содир бўлмайди. Нусха қонунда белгиланган тартибда юридик аҳамият касб этади, шунинг учун ҳам сохта нусха худди шундай тартибда ҳақиқий деб шаҳодатланган бўлса, бундай ҳолатлар жиноий жазога лойиқ деб топилмайди. Фақат нусханинг шаҳодатлангани унинг ҳақиқийлигининг бирдан-бир тасдиғи ҳисобланади, шунинг учун ҳам нусхани қалбакилаштириш фақат унинг мазмуни ғайриқонуний тарзда ўзгартирилган ҳолларда жиноий жазога лойиқ деб топилиши мумкин.

Бизнингча, бу борада Португалия тажрибаси эътиборга лойиқ. Бу ерда барча расмий (хизматга доир) ҳужжатлар давлат ихтиёрида бўлади, фуқароларда эса, фақат бундай ҳужжатларнинг нусхалари бўлиши мумкин. Қандай ҳужжатлар расмий ҳисобланиши қонунда белгилаб қўйилган. Мазкур қонунда, шунингдек, бу ҳужжатлар билан танишиш тартиби ҳам белгиланган. Португалиянинг ҳар қайси фуқароси, номли ҳужжатлардан ташқари, исталган хизмат ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқига эга. Номли ҳужжатлар билан уларга бевосита алоқадор бўлган фуқаролар

ёки мазкур қонунда белгиланган ҳолларда бундай ҳуқуққа эга бўладиган фуқаролар танишиши мумкин.

Давлат ўз манфаатларини ҳимоя қилар экан, жамиятдаги ўзгаришларни, техника янгиликларини тез қабул қилиши, шунингдек чет эл мамлакатларининг тажрибасини эътиборга олиши керак. Барча ҳужжатлар пластик шаклдаги, сўз белгиларидан ташқари, кодланган, компьютерда ўқилувчи белгиларга ҳам эга шаклда тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳужжат эгасини маълумотлари узилишларнинг мавжудлигига ва ҳоказоларга қараб аниқлаш мумкин.

Имзонинг қалбакилаштирилишига йўл қўймаслик учун у “сўз-фамилия” шаклида тасдиқланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шахс имзода қалбакилаштириш анча қийин бўлган ўз фамилиясини тўлиқ кўрсатиб, эксперт – криминалистларнинг сохтакорликни аниқлаш имкониятларини оширади.

Сўнги йилларда ҳуқуқбузар шахсининг турли хусусиятларини ҳисобга олишга асосланадиган кўрсатувларни олишни таҳлил қилиш усуллари, сўроқ қилишнинг янги, ноанъанавий усуллари излаш тенденцияси кузатилмоқда. Бундай усуллардан бири – жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсининг ҳуснихатига нисбатан психологик ташхис қўйишдир. Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ушбу усулни техник нуқтаи назардан юқори даражада ва сифатда амалга ошириш имконини беради. Ушбу услубнинг мазмун-моҳияти қуйидагича намоён бўлади: ўз айбига иқроқ бўлмаётган гумон қилинувчига у қотиллик (ёки бедарак йўқолган) содир этилган кунда айнан қотиллик вақтидан икки соат олдиндан бошлаб нима билан машғул бўлганлигини ўз қўли ва ҳуснихатида батафсил ёзиш таклиф қилинади. Барча баён этган маълумотлари атрофлича ва ҳар томонлама текширилишини билгани ҳолда гумон қилинувчи имкон қадар кўпроқ тафсилотларни эслашга ҳаракат қилади ва шу тариқа ўзи тавсифлаб берган ҳодисаларда такроран “яшайди”.

Ниҳоят у қотиллик содир бўлган вақт оралиғидаги ҳаракатларини изоҳлашга етиб келганда, табиийки ўзининг жиноятга дахлдор эмаслигини кўрсатувчи маълумотларни баён этишни бошлайди ёки хотирасидан чиққанлигига ҳавола қилади. Бироқ, ушбу вақтда фикрлаш суръати, руҳий ҳиссиётлар шу қадар ривожланган бўладики, унинг онгида содир этилган қотиллик ҳолати акс этади ҳамда башарти шахс алдаб турган бўлса, ўзининг ёлғон алибисини баён этишда кўплаб қийинчилик ва ноаниқликларга йўл қўяди.

Ўз навбатида шахсдаги мазкур руҳий ҳолат унинг ҳуснихатига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Ушбу услубда текширишда марказий ҳарф “р” ҳисобланади, чунки айнан унда ҳуснихатдаги ўзгаришлар осон қайд этилади. Боз устига у нисбатан ўлчаш учун қулай бўлиб, баёний матнда ҳам тез-тез учраб туради. Матннинг терговни қизиқтирадиган сутканинг икки соатлик вақти оралиғидаги ҳодисалар баён этилган қисмидаги барча ҳарфлари ўлчанади. Уларнинг ўртача баландлиги аниқланади ва у тегишлича қайд этиб қўйилади. Ушбу усулнинг асосий камчилиги шундаки, у жиноят содир этилганидан сўнг узоқ вақт оралиғи ўтгач, самарали бўлмай қолади.